

«MARIKON AUDIT»  
Ўзбекистон Республикаси  
Тошкент шаҳри  
Буюк Ипак Йўли кўчаси, 139 уй  
Тел.: 268 49 60, Факс: 267 62 07  
Х/р № 20208000304050179001 ЎзРес ТИФ МБ нинг Мирзо Улуғбек бўлимида, МФО  
00895, СТИР 203248237, E-mail: [marikonaudit@mail.ru](mailto:marikonaudit@mail.ru)

---

№ 23  
14.03.2014 й.

### ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик хулосаси – “Ўзбекистон Республикаси Товар-Хомашё Биржаси” Очик Акциядорлик Жамияти (матндан кейинда – “ЎзРТХБ” ОАЖ, юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 77, реквизитлари: Х/р № 20208000900600257001, АББ “ТРАСТБАНК” Марказий Амалиётлар Бошқармасида, МФО 00491, СТИР 200933985, ОКОНХ 84100, Тел.: 113 33 33) га берилди.

Аудиторлик хулосаси “MARIKON AUDIT” (манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 139 уй. Х/р № 20208000204050179001, ХЕАТБ “DAVR-BANK” нинг Мирзо Улуғбек бўлимида, МФО 01072, лицензия серия рақами АФ № 00030, ЎзРе Молия Вазирлиги томонидан 14.02.2008 й.да берилган, Суғурта полиси №03/681139900-001, НКЭИС “ЎЗБЕКИНВЕСТ” Компанияси томонидан 11.04.2013 й.да берилган) МЧЖ томонидан тайёрланган. “MARIKON AUDIT” МЧЖ нинг Мустақил аудитори – Корниенко В.А., (сертификат № 04903, 18.12.2010 й.) 2013 йил 18 октябрдаги № АА-1810 сонли шартномага биноан “ЎзРТХБ” ОАЖ нинг 2013 йил учун илова қилинган бухгалтерия ҳисобининг аудити ўтказилди.

Аудит ЎзРес 26.05.2000 й.даги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонуни, ЎзРес Аудиторлик фаолияти Стандартлари ва Аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига мувофиқ ўтказилди. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот таркибида бирор бир фактларни жиддий бузилиши ҳолатларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида етарлича далилларга эга бўлиш мақсадида, аудиторлик текширувини тегишлича режалаштирилди ва ўтказилди. Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва ўтказишда, биз “ЎзРТХБ” ОАЖ даги ички назорат тизими ҳолати ва функциясини кўриб чиқдик.

Молиявий-хўжалик операцияларини амалга оширишда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя қилинганлиги кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига риоя қилиш учун жавобгарлик “ЎзРТХБ” ОАЖ маъмурияти зиммасига юклатилади. Ушбу молиявий ҳисобот юзасидан олиб борилган аудиторлик текширувини ўтказишдан мақсад мазкур ҳисоботнинг барча аҳамиятли жихатларидан ҳаққонийлиги тўғрисидаги фикрини ифодалаш мақсадида етарлича маълумот ва ахборотларни танланма йиғишдан иборат.

*Аудит, “ЎзРТХБ” ОАЖ молиявий ҳисоботларида кўрсатилган қийматларнинг тўғрилигини тасдиқловчи аудиторлик синовлари ва танловлари асосид рақамли маълумотлар тасдиғи асосидаги текширувни ўз ичига олган. Фикримизча, ўтказилган аудит мазкур ҳисоботнинг ҳаққонийлиги борасидаги фикримизни ифодалаш учун етарлича асослар бера олади. Бизнингча, ушбу хулосага иловаланган молиявий ҳисобот, барча аҳамиятли тарафлардан “ЎзРТХБ” ОАЖ нинг 2014 йил 01 январь ҳолатига молиявий мақомини ҳаққоний акс эттиради. 2014 йил 01 январь ҳолатига актив ва пассивлар, ва “ЎзРТХБ” ОАЖ да амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мос келади.*

*Директор*

*имзо*

*Шерғозиев А.А.*

*(Сертификат № 04817, санаси: 17.04.2010 й.)*

*Аудитор*

*имзо*

*Корниенко В.А.*

*(Сертификат № 04903, санаси: 18.12.2010 й.)*

“MARIKON AUDIT” МЧЖ – Аудиторлик Ташкилотининг думалоқ мухри